

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ № 1

« 10 » август 2022 йил

Кушкूपир тумани

Бундан буён "БУЮРТМАЧИ" деб аталувчи Хазорасп тумани тиббиёт бирлашмаси номидан низом асосида фаолият олиб борувчи О.Сотиболдиев бир томондан ва бундан буён "ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ" деб аталувчи ООО MASTER MEVIKO номидан низом асосида фаолият олиб борувчи А.Хасанов иккинчи тарафдан мазкур шартномани қуйидагилар хақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартнома буйича «Хизмат кўрсатувчи» «Буюртмачи»нинг буюртмасига асосан кўрсатиладиган хизматларни бажаришни, «Буюртмачи» эса бажарилган ишларни қабул қилиб олишни ҳамда тўловни амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.

№	Хизмат номи	Улчов бирлиги	миқдори	Баҳоси	Сумма
	Тошкент шаҳар Чирчиқ туманидан - Хоразм вилоят Хазорасп туман ҳудудида чекка ҳудудидаги маҳаллалар учун тиббий пункт учун мулжалланган узунлиги 12 метрлик 6 та ва узунлиги 6 метрлик 4 та жами 10 та контейнерларни ташши, юклаш ва тушириш хизмати	услуг	1	94782608,70	94782608,70
	Жами:				94782608,70
	ККС 15%				14217391,30
	Хаммаси:				109000000,00

1.2. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 109000000 (Бир юз туккиз миллион) сўмни ташкил этади.

2. КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТНИ БАЖАРИШ ВА ТУГАТИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАР

2.1. Кўрсатиладиган хизматларнинг бошланиши « 10 » август 2022 йил.

2.2. Кўрсатиладиган хизматларнинг тугаши вақти « 12 » август 2022 йил.

2.3. Кўрсатиладиган хизматларнинг бажариш муддати мазкур шартноманинг 2.2. бандида кўрсатилган муддатгача амалга оширилади.

3. ТЎЛОВ ШАРТИ ВА ТАРТИБИ

3.1. Ушбу шартноманинг умумий нархи 109000000 сўмни ташкил этади. «Буюртмачи» кўрсатиладиган хизматларни бошлаш учун «Хизмат кўрсатувчи»га шартнома нархининг 30 % ёки 32700000 сўм миқдорда олдиндан тўлайди ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг август ойида амалга оширилади. «Буюртмачи» томонидан якуний тўлов «Хизмат кўрсатувчи» кўрсатилган хизматларни тасдиқловчи ҳужжат тақдим қилгандан сўнг амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори 76300000 сўмни, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов 2022 йил 30 сентябргача амалга оширилади.

3.2. «Буюртмачи» тўловни пул ўтказиш йули билан амалга оширади.

3.3. «Хизмат кўрсатувчи» ташкилоти томонидан шартномада кўрсатилган суммадан ошқича кўрсатилган хизматлар учун «Буюртмачи» томонидан тўловлар амалга оширилмайди.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Хизмат кўрсатувчи кўрсатиладиган хизматларни юқорида келишилган муддатда тугатиш ва фойдаланишга топшириш.

4.2. Агар кўрсатиладиган хизматлар мазкур шартномада кўрсатилган муддатда Хизмат кўрсатувчининг айби билан фойдаланишга топширилмаса, у ҳолда буюртмачига қуйидаги тартибда жарима тўлайди:

-Кўрсатиладиган хизматларнинг муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ кўрсатилмаган, хизмат кўрсатувчи буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни кўрсатиладиган хизматларни бажариш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ бажармаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.3. Хизмат кўрсатувчи шартномада назарда тутилган маблаг доирасида ишларни бажаради ва шунга мувофиқ бажарилган ишларни белгиланган муддатда сифатли ва тулик ҳажмда, далолатнома асосида топширади.

4.4. Буюртмачи:

Шартномада курсатилган 3.2. ва 3.3. бандлари бузилса, таъмирлаш ишларининг хақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи хизмат кўрсатувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва бахслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қондага кўра, мустикал равишда уларни судга ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва бахсларни ҳал этиш учун бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар хўжалик судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги хўжалик судида кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлиқ озод бўладилар.

6.2. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, камал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шартномаларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда олдани олиб бўлмайдиган ва қўйилмаган ҳолатлар қиради.

6.3. Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу ҳақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

6.4. Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатига қадар узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонуни билан тартибга солинади.

8. ШАРТНОМАНING АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома газначилик бўлиналарида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга қиради ва 2022 й. 31 декабргача амал қилади.

8.2. Шартнома тарафларнинг хабарномасига кўра, қўшимча келишувсиз бекор қилиниши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугати томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«ХИЗМАТ КўРСАТУВЧИ»


«БУЮРТМАЧИ»

"MASTER МЕВІКО" МЧЖ	Хазорасп туман тиббиёт бирлашмаси
Манзил: Кўшқўпиртумани Ал Хоразмий 51 уй	Манзил: Хазорасп туман
х/р 20208000400758269001	Ш/хв: 100022860332207073101054002
Банк номи: асака банк Хоразм филиали	СТІР: 200419760
МФО: 00581	ОКОНХ:
СТІР: 304 805 759	Х/р: 23402000300100001010
ОКОНХ	ЎР Молия вазирлиги Газначилиги
	Марказий банк Тошкент шах ББХККМ
	МФО: 00014 СТІР: 201122919

10. Тарафларнинг имзо ва муҳратлари



А.Хасанов
(Ф.И.Ш.)



О.Сотиболдиев
(Ф.И.Ш.)

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. **Loyihaning turi:** Shartnoma.

2. **Loyihaning nomi:** Xizmat kursatish tugrisida.

3. Hazorasp tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan bundan buyon «Buyurtmachi» deb ataluvchi Hazorasp tuman tibbiyot birlashmasi nomidan nizom asosida faoliyat olib boruvchi O. Sotiboldiev bir tomondan va bundan buyon «Xizmat kursatuvchi» deb ataluvchi «Master Mebiko» ochik aksiyadorlik jamiyati nomidan nizom asosida faoliyat olib boruvchi A. Xasanov ikkinchi tomondan Toshkent viloyati Chirchik shaxridan tumanning chekka xududidagi maxallarga tibbiy punkt uchun muljallangan 6 (olti)ta uzunligi 12 (un ikki) metrlik, 4 (turt) ta uzunligi 6 (olti) metrlik konteynerlarni yuklash, tashish va tushirish xizmatiga kelishib 109 000 000 (bir yuz tukkiz million)uchun sumlik shartnoma loyixasini ishlab chikkanlar.

4. Mazkur shartnoma loyixasi Hazorasp tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan 2022 yil 10 avgust kuni Hazorasp tumani yuridik xizmat kursatish markaziga yuborilgan.

Mazkur shartnoma loyixasi amaldagi qonun xujjatlariga muvofik ishlab chikilgan va uni kabul kilish maksadga muvofik.

**Hazorasp tumani yuridik xizmat
kursatish markazi bosh yuriskonsulti**
2022 yil«10» avgust.



I. Xudaynazarov